

## Талаба ёшлар тадбирида

Президентимиз томонидан байрам сифатида нишонланиши белгилаб берилган “Ёшлар куни” тобора яқинлашмоқда. Унинг кенг нишонланиши маънавият фестиваллари доирасида бўлаётгани аҳамиятлидир. Ёшларнинг истеъдод қирраларини очилиши ана шундай тадбирларда ўз кучини намоён этмоқда. Институтимиз ёшлари хусусан ётоқхонадаги талabalар билан ўтказилаётган маънавий тадбирлар айрича завқу шавқ билан ўтаётгани сир эмас. Айниқса, 25 июн куни ташкил этилган маънавият фестивали доирасидаги ёшлар кунига бағишинланган тадбирда Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси Қурбонова Шаҳзода Нашпановнанинг ҳамда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими ходими Адҳам Бахтиёровичнингнинг иштироки ва табриклари ўзига хос аҳамият касб этди. Институт ёшлар билан ишлаш бўйича проректор, Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши депутати Рўзимурот Чориевнинг ҳамда фаол талabalарга партия номидан совғаларни топшириши ва табриги талаба ёшларни илҳомлантириб юборгани рост.



Тадбир давомида ўтказилган қизиқарли викторина, хушвот хонанда Ғанишер Қурбонбоевнинг дилтортар қўшиқлари, Янги божалар гуруҳининг меҳмон сифатида иштироки, айниқса, институтнинг истеъдодли ёшларидан таркиб топган “Тарғибот” жамоасининг ичакузди ҳангомалари, ҚВЗнинг “Бирор”, “Сармоячи” жамоалари барчага завқ-у шавқ улашди.



“Бундай йўсингидаги тадбирлар ҳали яна давом этади, буташшаббус, ҳаракат бизни доим руҳлантиради”, - дейди тадбир ташкилотчиларидан бири институт ёшлар кенгашининг раиси Давронбек Расулов. Ўз қобилиятларини намойиш этиш, интеллектуал салоҳиятларини янада такомиллаштириш борасида ўтказиладиган тадбирларни институт раҳбарияти доимо қўллаб - қувватлаб келади.

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**